Шаҳримизнинг бир куни

«ПОЙАФЗАЛ-69» ТАРАДДУДИ

Бугун Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг чарм ва пойафзал маҳсулотлари бошқармаси бадиий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгашда 1970 йилда ишлаб чиқариладиган пойафзалларнинг янги моделлари муҳокама қилинди. Республикадаги мавжуд 10 та пойафзал фабрикаси, 3 та кўн-терн заводи ва 1 та галантерея фабрикасининг 1000 га яқин маҳсулотларидан энг яхшим намуналари кўриб чиқилди.

Шу йилнинг октябрь ойида Москвада халқаро «Пойафзал-69» ярмаркаси ўтказилади. Бунда республикамизда бежирим ва чиройли тайёрланаётган пойафзаллар ҳам намойиш қилинади. Бадиий кенгаш йиғилишида ярмаркага юборириладиган экспонатлардан 150 хили танлаб олинди.

● ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

ҲАР КУНИ 18-20 ТОННАДАН

Бугун Шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни оталиққа олган Қалинин районидаги «Ленин йўли» колхози сабзаваткорларни шу кунларда кўплаб маҳсулотларини юбориб турибди.

ЭСКИЖУВА ВА ОЛОЙ БОЗОРИГА ДЕҲҚОНЛАР 10 ТОННАДАН ЯНГИ КАРАМ, 3 ТОННАДАН ПИЁЗ, ЭРТАГИ КАРТОШКА, РЕДИСКА ВА БОШҚА ДАЛА НОЗ-НЕЪМАТЛАРИНИ ЖЎНАТИШДИ.

Хўжалик сабзаваткорларининг ҳозиргача шаҳар аҳолисига юборган маҳсулоти 220 тоннани ташкил қилади. Ғайратли сабзаваткорлар мавсум давомида шаҳар аҳолиси учун 1500 тонна турли-туман маҳсулот сотишга аҳд қилишган.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
25 ИЮНЬ, 1969 Й
ЧОРШАНБА
№ 148 (912).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



«Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлари ленинча меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Корхонанинг кўпгина ишчилари беш йиллик топшириқларини шу йилнинг охиригача адо этадилар.

СУРАТДА: 6-цехнинг ёш зарбдор чевар тикувчиси Валя Андресюк.

Вьетнамликлар малака оширишяпти

Яқинда Тошкент асбобсозлик заводига қаҳрамон Вьетнам Демократик Республикасидан ўн нафар мутахассис-асбобсозлар келишди.

Чет эллик дўстларнинг баъзилари Ханой заводида ишлаб чиқариш малакасини оширишган бўлса, уларнинг кўпчилиги яқинда-гина махсус ўқув юртларини тамомлаган ёш лардир.

Бугун вьетнамлик дўстлар ўз ишларини бошлашди.

БЕЖИРИМ ВА ЧИДАМЛИ

Бугун Шаҳардаги 2-пойафзал фабрикаси ўзининг моделли маҳсулотлари билан мамлакатда салмоқли ўринни эгаллайди. Фабрика ҳар куни тайёрлаётган сифатли оёқ кийимлари билан 4500 эркак ва аёлни хушнуд этади. Фабрика ишчилари айниқса, жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги олдидан социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот сифатини яхшиламоқдалар.

фабриканинг қайтадан реконструкция қилинган 6-эркаклар моделли пойафзалини ишлаб чиқаруучи цехи ишга туширилди. Шу цехда тикиладиган пойафзал ҳозирги стандарт талабига тўла жавоб беради. Бир сменада 350-370 жуфт бежирим пойафзал ишлаб чиқарилялти.

Фабриканинг маҳсулотларига Олмаота, Фрунзе, Душанба ва бошқа шаҳарлардан кўплаб заявкалар келмоқда.



Тошкент абразив заводининг меҳнат аҳли мамлакатимиздаги кўпгина машинасозлик корхоналарининг муҳим буюртмаларини бажармоқда.

СУРАТДА: токарлик цехининг пешқадам токари Малика Каримова ўзи тайёрлаган абразив маҳсулотларини кўздан кечирмоқда.

● *Шу кунинг янгилиги*

МОНГОЛ ОҲАНГЛАРИ ЯНГРАЙДИ

Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикасининг кунлари муносабати билан Улан-Батор радиоси ижодкорлари бир неча қизиқарли эшиттиришларни тайёрлаб юборишди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радио эшиттириш ва телевидение Давлат Комитетининг ҳамкорлик эшиттириш редакцияси бошлиғи А. Нурмуҳамедов бундай деди:

Бугун Тошкент радио тўлқинларида монгол оҳанглари янграй бошлайди. Бир неча кун давомида радио эшитувчилар диққатига ҳавола қилинадиган қизиқарли программада: қардош Монголия Халқ Республикаси халқининг музика асарлари, қишлоқ хўжалиги, қурилишлари, маданияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, МХР кунларида ҳамкасбларимизнинг ўзлари ҳам эшиттиришлар тайёрлашади.

АВТОДРОМ ҚУРИЛМОҚДА

Бугун «ПОБЕДА» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА АВТОДРОМ АТТРАКЦИОНИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ.

Бу ишни шаҳар биноларини қайта тиклаш трестининг 1-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари олиб бормоқдалар. РСФСРнинг Ейск шаҳридан келтирилган жиҳозлар яқин ҳафталар ичида тамоман қурилиб фойдаланишга топширилади.

Республикамизда ягона бўлган бу автодромда 15 та машина ишлайди.

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ТАСВИРИ


Бугун республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунларига бағишланган тасвирий санъат асарларини жойлаштириш ишлари ниҳоясига етди.

В. И. Ленининг Кремлдаги хонаси. Бутун дунё пролетариатининг устози В. И. Ленин монгол халқининг вакиллари —Сухэ-Батор бошчилигидаги делегацияни қутиб олялти. Улкан картинадаги бу манзара ҳар бир томошабин диққатини ўзига жалб этади. Икки улуғ зотнинг образи ёркин бўёқларда ифодаланган.

Монголия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом А. Сэнгцохио юқоридаги асарни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги муносабати билан яратган.

Таниқли рассом. Давлат мукофотининг лауреати У. Ядамсурэннинг «Кўнгилдаги гаплар» асари ўз мазмуни ва ғояси билан совет ва монгол халқлари ўртасидаги дўстликни мадҳ этади. Монгол солдати келгусида порлоқ кунлар, осуда дамлар ҳақида дилдан самимий суҳбатлашмоқда.

Кўргазмада «Жасур кишилар», «Сухэ-Баторга хабар берғил», «Айғирлар жанги», «Нефть минораси» каби асарлар бадиий жиҳатдан пухта ва нафосат билан ишланганлиги учун ҳам томошабинларнинг муносиб баҳосига сазовор бўлади.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: Чилонзорнинг В-15 квартали даги янги уйлар.

Р. Ткач фотоси.

Экспорт кранлари

«Подъёмник» заводида тайёрланаётган электр кўприк кранлари Иттифоқимиздагина эмас, балки чет эл мамлакатларида ҳам шуҳрат топмоқда. Корхона йил бошидан буён чет эл мамлакатларига ўнлаб шундай кўприк кранлар чиқарди.

Корхона коллективи июнь ойида Жазоир, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Суриянга 4 та электрик кўприк крани тайёрлаб жўнатди. Куба учун юбориладиган кўприк кранга тележка тайёрланди. Бу тележка Магнитогорскдаги кран заводига олиб борилиб, у ерда мукаммаллаштирилади.

ЮЗ МИНГ СЎМЛИК КИЙИМ-КЕЧАК

Коллективимиз беш йилликнинг тўртинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан қабул қилган социалистик мажбуриятини шараф билан адо этмоқда.— дейди Модалар уйининг директори Т. И. Митос.

Бугун коллективимиз ярим йиллик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этди. Йилнинг ўтган муддатида пландан ташқари тайёрланган кийимлар 100 минг сўмни ташкил этади. Чеварлар июнь ойининг охиригача планга қўшимча яна 10 минг сўмлик кийим тайёрлашга аҳд қилдилар.

● *Ленин юбилейига меҳнат рапортлари*

РЕМОНТЧИЛАР ЮТУҒИ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигига қарашли механизациялаштирилган ишлаб чиқариш корхонаси

Бугун ярим йиллик ишлаб чиқариш план топшириқларини муддатидан илгари 105,5 процент адо этганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, республика энергетикасининг электростанцияларини ва корхоналари учун яна 10 минг сўмлик иш бажаришга аҳд қилди.

Двигателларни, генераторларни, электр станцияларни ҳамда энергетика корхоналарининг ускуналарини ҳамда дизелларнинг механик қисмларини сифатли ремонтдан чиқаришда электр пайвандчи Р. Низомов, электр слесарь К. Ҳасанов, Т. Турғунбоев, слесарлардан Э. Лисикин, И. Ерпан каби коммунистик меҳнат зарбдорлари фидокорлик кўрсатмоқдалар.

● *Кўнгилли саёҳат*

БОЛГАРИЯ БЎЙЛАБ

Бугун Ўзбекистон саёҳатчиларидан бир группаси Болгария Халқ Республикасига жўнаб кетди. Ўттиз кишидан ортиқ ишлаб чиқариш илғорларининг вакиллари 18 кун мобайнида қардош мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари ва бугунги жўшқин ҳаёти билан танишадилар.

БЕШ ЮЗ КИШИ ОРОМИ

Бугун Тошкент шаҳар саёҳатлар ва экскурсиялар бюросининг йўлланмаси билан ҳамшаҳарларимиздан 500 киши республиканинг турли манзарали ва оромбахш жойларида дам олиш учун жўнаб кетишди.

«Ташгаз» трестининг 60 ходими Ленинобод яқинидаги Қайроққум денгизида, манзарали боғдорчилик совхозининг ходимлари эса Бухорода бўладилар. Бундан ташқари турли корхона ва ташкилотларнинг вакиллари тушган 5 та машина қадимий ва навқирон Самарқандга йўл олди.



Фарғона областидаги «Ленинобод» колхозининг сабзаваткорлари ҳар куни Москва, Ленинград шаҳарлари ҳамда Болтиқ бўйи республикаларининг аҳолиси учун кўплаб сабзавот маҳсулотларини жўнатмоқда.

СУРАТДА: хўжаликнинг зарбдор сабзаваткорларидан Э. Рўзмалиева, М. Пўлатова ва М. Шерматова ўртоқлар янги карамни жўнатишга ҳозирламоқдалар.

Н. Раҳмонов фотоси.

Институтда лойиҳалар чизиляпти

Бугун Тошкентдаги республика «Узколхозстрой» бирлашмаси қошида янги «Узколхозоргпроект» институти ташкил қилинди.

Институт шу кунларда «Узколхозстрой» қурилиш ташкилотлари учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрламоқда. Ҳозир 14 та колхозлараро қурилиш бошқармаси, 10 та ғишт заводи ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, институтда республика колхозлари бош планини лойиҳалаштириш сектори ҳам ташкил этилган. институтнинг шу секторида Калинин районидаги Оржоникидзе ва Охунбобоев номли, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» ва Ждалов номли колхозларда қишлоқ посёлкалари бунёд этишнинг бош плани лойиҳаларини тайёрлашга киришилди. Айни бир пайтда Сирдарё ва Наманган областларининг ўнлаб колхозлари бош плани лойиҳаларини инженерлардан Ж. Ҳайдаров ва М. Огайлар чизмоқдалар.

ЯНГИ КУТУБХОНА

Бугун шаҳримизнинг Шимоли-Шарқ массивида ташкил қилинган А. Қаҳҳор номли янги кутубхонада йил охиригача ўтказиладиган тадбирларнинг режалари тузиб чиқилди.

Яқиндагина эшиклари очилган бу кутубхонада 3 мингдан ортиқ ҳар хил адабиётлар бор.

Кутубхонада китобхонлар конференциялари ўтказилади, ҳар хил темада кўргазмалар ташкил қилинади.

◆ ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА!

БИРИНЧИ МАРТА

Тошкент химия-фармацевтика заводи Ҳиндистонга биринчи марта рутин дорисини экспорт қилди. Бу доридан яқин кунларда Польша Халқ Республикасига ҳам юборилади.

МАҲАЛЛАДА МАГАЗИН

Октябрь районидаги «Янгиобод» маҳалла аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди.

Бугун маҳаллада озиқ-овқат маҳсулотлари магазини ишга туширилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

АММОН, 23 июнь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари араб давлатларига қарши иғвогарлик ҳаракатларини давом эттирмоқдалар. Иордания қуролли кучлари вакилининг айтишича, Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг олтита самолёти кеча бутун кун мобайнида Иордания территориясига ўч марта ҳужум қилган.

Ана шу ваҳшийларча ҳужум натижасида бир киши ўлган ва 16 киши ярадор бўлган Иордания деҳқонларининг бир қанча кулбалари вайрон қилинган.

● Социализм мамлакатларида

МОНГОЛИЯ

Монголия Халқ Республикасининг буюк халқ хурали ҳамда халқ депутатлари аймоқ, шаҳар, район, сомон ва қорон хуралларига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссияси 22 июнда давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида дастлабки маълумотларни эълон қилди.

Сайловда жами сайловчиларнинг 99, 99 проценти қатнашди. Сайловда қатнашган барча кишиларнинг 99, 99 проценти партия аъзолари блокининг номзодлари билан партиясизлар учун овоз бердилар.

ВЕНГРИЯ

Дьендьеш шаҳрида қурилаётган Юрий Гагарин номли иссиқлик электр станциясида қуввати юз минг киловатт келадиган биринчи энергоблок синовдан ўтмоқда. Йил охирига бориб унинг энергияси Венгриянинг умумий энергетика системасига қўшилади.

(ТАСС).

ЭКВАДОР КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БАЁНОТИ

ГУАЯКИЛЬ, 23 июнь. (ТАСС). Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитетининг марказий ва маҳаллий матбуотда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Американинг «Техсако» ва «Галф» компанияларига мамлакатимизда қазиб олинаётган нефтни ўзлари ташиб кетишларига рухсат этилганлиги ва уларга шундай ҳуқуқ бериш тўғрисида Эквадор ҳукуматининг қабул қилган қарори Эквадорнинг суверенитетини ва мустақиллигини бузишдан бошқа нарса эмас.

Эквадор Коммунистик партияси Марказий Комитети барча меҳнаткашларни нефть компанияларидан билан тузилган шартномани бекор қилдириш учун, шу компанияларни национализация қилдириш учун актив кураш олиб боришга чақиради.



Чехословакия энергетикаси планининг перспектив ривожланиши бўйича келажакда кўплаб атом электр станциялари қурилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозир Пльзен шаҳридаги В. И. Ленин номли машинасозлик заводида электростанцияларда ўрнатиладиган бир қатор атом реакторлари синовдан ўтказилмоқда. СУРАТДА: завод тажриба цехларининг бирида.

ЧТК—ТАСС фотоси.



СУРАТДА: шаҳардаги трикотаж фирмасининг илғор ишчиси коммунистик меҳнат зарбдори А. Лазарева. Корхонанинг бу моҳир капрон тўқувчиси ўзининг беш йиллик шахсий топшириғини шу йилнинг ноябрь ойида адо этади.

М. Нуриддинов фотоси.

●*Бизнинг интервью*

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «уй-жой-граждан қурилиши сифатини яхшилаш ҳақида»ги қарори марказий ва маҳаллий газеталарда эълон қилинди. Қарорда уй-жой ва граждан қурилишининг ҳозирги ҳолати, истиқболи, уни такомиллаштириш ва биноларнинг архитектура кўринишини яхшилаш тўғрисида гап юритилиб, камчиликларни тугатишда мавжуд имкониятлар кўрсатиб берилган.

Мухбиримиз «Главташкентстрой»га қарашли 2-уйсозлик комбинатининг бошлиғи ўртоқ Гайрат Қурбоновга мурожаат қилиб, корхонада қандай ўзгаришлар бўлаётгани ва муҳим ҳужжатга муносабатини айтишни илтимос қилди. У шундай деди:

—КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг янги ҳужжатлари айниқса биз, уйсозлик учун маҳсулот тайёрлаб бераётган корхона ходимларига тааллуқли. Маълумки, комбинатимиз шаҳримиздаги уй қурилиш трестига ҳар хил панеллар, мосламалар ва қурилиш материалларини тайёрлаб берувчи ягона ҳўжалик, аниқроқ қилиб айтганда, уй қурилиши трестининг пудратчиси ҳисобланади. Шу муносабат билан яхтисослаштириш туфайли маҳсулот чиқаришга катта эътибор берилмоқда, корхона ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилмоқда. Комбинат асосан шаҳарнинг Шимол районидаги саноат зонасида ўз ишлаб чиқариш цехларини барпо этмоқда.

Яқингача бизнинг маҳсулотимиз саккиз балли ер силкинишларига мосланган эди. Зилзиладан кейин тўққиз баллга бардош берадиган панель ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш зарур бўлиб қолди. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини пасайтирмай туриб, комбинатни янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирдик. Илгари панелларга ишлатиладиган турли йўғонликдаги металл арматуралар ўрнига пўлат ишлатиладиган бўлди. Шу ҳисобга янги конструкцияларнинг қуввати оширилди. Бундай конструкциялар ёнидаги махсус чокларга металл шпонка қўйилди. Конструкциялар монтаж қилингандан чокларнинг мустаҳкамланиши таъминланди.

Қайта қуриш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда анча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Маҳсус мутахассислар етишмас эди. Уларни ишдан кейин комбинат инженер-техник ходимларининг кучи билан тайёрлашга тўғри келди. Мосламалар режимини бир неча бор ўзгартирдик. Синов вақтида материалларни тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳсулот тайёрлаш муддатини қисқартиришга тўғри келди. Фақат бевосита янги маҳсулот тайёрлаган участкагина эмас, балки бошқа участкалар ҳам қийинчиликни ўз зиммаларига олишди. Автокарслардаги барча деталларни қайта тайёрлашга тўғри келди.

Технологияни қайта такомиллаштиришда завод лабораторияси ходимлари катта ёрдам беришди. Улар тайёр маҳсулотлар намунасининг анализини ўз вақтида бериб туришди. Бу эса янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш суръатини яхшилади.

— Ҳозир янги маҳсулот ишлаб чиқариш қандай йўлга қўйилган?

—Коллективнинг кучи билан анча муваффақиятларга эришилди. Янги маҳсулот намуналари тайёрланадиган 14 та кассета ишга туширилди. Улардан бирида ички деворлар панели тайёрланса, қолганларида цоколь қаватларига плита, ёпиш конструкциялари тайёрланади. Бундан ташқари пиллапоялар, вентиляцион ва қаватлараро ишлатиладиган мосламалар тайёрланаётган кассета қурилмоқда.

Аммо корхонани мослаштириш бу билан тугамайди. Янги маҳсулот ишлаб чиқарадиган 5 та қолипнинг энг охиргиси ниҳоясига етказилмоқда. Эски кассеталарда фақат борт алмаштирилади. Янги кассеталар эса такомиллаштирилган махсус мослама билан таъминланган.

Реконструкция тамомлангач бош корпусда барча деталь ва узеллар мослаштириларди. Бу ишда Наби Тожибоев бошлиқ бригада аъзолари лентали график асосида ишлаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Комбинатимиз олдида яна катта вазифалар турибди. Биз ўз ишимизни тубдан ўзгартиришимиз, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришимиз лозим. Ҳозир барча куч шунга қаратилган.

●*Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги янгиликлар*

МАҲСУЛОТ ЧИДАМЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ СИСТЕМАСИ

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш кўлами шу қадар кенг, саноат корхоналарининг техника билан таъминланиши даражаси шу қадар юқорики (маҳсулот сифатига ҳам шуни ҳаша талаб қўйилмоқда), сифатли ва чидамли буюмлар ишлаб чиқариш проблемасини илмий ва техник жиҳатдан асосламай туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Маҳсулот тайёрлаш ва техника контроли бўлимига биринчи тақдимдаёқ топшириқнинг саратовликлар усули ҳозирги вақтда ҳамма жойда, жумладан Ўзбекистон пойтахтида ҳам қўлланилмоқда.

Шунисн характерлики, корхоналар бу системани аниқ шарт-шароитларга мослаб, ижодий қабул қилмоқдалар ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб такомиллаштирмоқдалар.

Сифат учун кураш проблемасининг ижодий ҳал қилинишига электрон техника заводида ишлаб чиқилган ва жорий этилган система мисол бўла олади.

ЭЛЕКТРОН техника заводи инженер-техник ходимлари олдида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли ва чидамли бўлишини таъминлаш проблемаси турар эди. Бу проблемани ҳал қилиш шунинг учун ҳам мураккаб эдики, маҳсулотнинг сифатли ва чидамли бўлишига эришмоқ учун аввало бир қатор илмий-техник, социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш зарур эди.

Завод 1965 йилдаёқ маҳсулотни бенуқсон тайёрлаш методининг асосий принципларини жорий этиш юзасидан дастлабки ишларини амалга оширди. 1967 йилда эса бутун завод коллективининг сифатли ва чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашга жалб этишнинг кенгайтирилган программасини амалга ошириш учун объектив шарт-шароит яратилди.

Илгари ҳам заводнинг айрим бўлимларида маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган ишлар амалга оширилар эди. Бироқ завод маркаси шарафи учун кўйилиш курош практикаси шуни кўрсатдики, яхши ўйланган, маълум йўналиш бўйича амалга ошириладиган ягона системагина бу соҳада яхши самара бера олади.

Шу мақсадда мамлакатдаги бирқанча саноат корхоналарининг тажрибалари, саратовликларнинг маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ топшириш методи, (жумладан Тошкент авиация заводининг тажрибаси) батафсил ўрганилди.

Шу тариқа корхона 1967 йилда маҳсулот сифати ва чидамлилигини ошириш учун саноатнинг шу тармоғи хусусиятларига жавоб берадиган тадбирлар комплексини ишлаб чиқа бошлади

1968 йил март ойида маҳсулотнинг сифатли ва чидамли бўлишини таъминлайдиган тадбирларнинг комплекс системаси техника совети томонидан кўриб чиқилди ва жорий этишга тавсия қилинди.

Бу система сифат учун курашда заводдаги барча бўлимларнинг иштирок этиши ҳисобга олиниб тузилган ва узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жорий этишга қаратилган эди. Янги система маҳсус ишлаб чиқилган тадбирлар муntазам амалга оширилиши негизида жорий этилиши лозим эди.

Янги система бир-бири билан боғлиқ бўлган ташкилий, инженер-техник ва тарбиявий тадбирлар комплексидан иборат бўлиб, у электрон техника маҳсулотлари сифатини ва чидамлилигини оширишга қаратилган.

Янги система заводдаги барча бўлимларнинг маҳсулот сифатини ошириш учун ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишини, маҳсулот сифатини меҳнат жараёнининг буюмни яратиш ва синаб кўришнинг ҳамма босқичларида контрол қилиб бориш методларини кўзда тутади. Система 68 комплекс тадбирдан иборат бўлиб 7 асосий йўналишдадир. Завод бош инженери ишлаб чиқилган тадбирларнинг муntазам амалга оширилишини кузатиб боради ва янги системанинг амалга оширилишига тўла жавоб беради. Шу билан бирга айрим йўналишлар бўйича бош конструктор, бош технолог, техника контроли бўлими бошлиғи, маҳсулотнинг чидамлилиги хизмати бошлиғи, ишлаб чиқариш бошлиғи ва бош механик жавоб берадилар.

Бу масъул кишиларнинг ҳар бири корхона фаолияти талаб қилувчи ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашга имкон берувчи тадбирларни муntазам равишда ишлаб чиқади.

«Тажриба намунасини яратиш» бўлимни олиб кўрайлик. Бу ерда буюмларни кейинчалик оммавий ишлаб чиқариш учун мустаҳкам замин бўладиган тадбирлар комплекси кўзда тутилган. Янги буюмни тайёрлаш ва синаб кўриш вақтида унинг сифати, чидамлилиги яхширок билинади. Тадбирларни ишлаб чиқишда худди ана шу томонлари ҳисобга олинади..

Буюмларни чидамлилиги юзасидан ўтказилган тадқиқотлар асосида конструкция қилиш бўлими конструкция элементларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқиладиган тадбирларни белгилаб беради; ва бу тадбирлар тадқиқот ишларини авж олдириш асосида маҳсулот чидамлилигини ошириш учун модернизация қилишга қаратилган.

«Технология жараёнларини такомиллаштириш» бўлимида эса маҳсулот сифатини ва чидамлилигини оширувчи янги технология жараёнларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқариш циклини қисқартириш, техник процессларини типиклаштириш ва нормаллаштириш, шунингдек янги истиқболли ускуналар ва жиҳозлар ўрнатиш тадбирлари белгиланган.

Ишлаб чиқариш жараёнларини ва контрол усулларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўлими амалга оширадиган тадбирлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқаришни ҳисобга олишни механизациялаш учун ҳисоблаш техникасини жорий этиш, ҳисоб унумли ускуналар ва автоматлар ўрнатиш йўли билан қўл меҳнатини тугатиш учун кураш давр тақозоси бўлиб қолди.

Мана, ишлаб чиқариш ва меҳнатни бошқаришни ташкил этиш методларини такомиллаштириш бўлими. Бу бўлим меҳнатни ва бошқаришни илмий асосида ташкил этиш тадбирларига асосланган. Бу бўлимда завод ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини бошқариш услублари ва усулларини такомиллаштириш масалалари, информациянинг ўтиш системасини такомиллаштириш кўзда тутилган. Ускуналарни технология маршрутига мувофиқ тўғри жойлаштириш ва улардан рационал фойдаланиш, фондлардан энг самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг оператив воситаларини жорий этиш каби масалалар бошқарма ходимларининг доимий эътибор беришини талаб қилади.

Системанинг асосий йўналишларидан бири «нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш» бўлимидир. Бу бўлим ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида маҳсулот сифатини назорат қилишнинг илғор усулларини жорий этишни кўзда тутувчи бир неча тадбирлардан иборат. Унинг мақсади эса сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун мусобақани ташкил этиш ва техник ҳужжатлар сифатини оширишдан иборат. Бракнинг олдини олишга, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати учун маънавий ва моддий рағбатлантириш усулларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Заводимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ишлатиш вақтида юз берган брак сабабларини ва характерини аниқлаш учун ҳар томонлама анализ қилиш нуқсонларнинг олдини олиш юзасидан самарали чоралар кўриш имконини бермоқда.

Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш бўлимида эса ишлаб чиқаришда техника маданияти ва ишчилар шахсий маданиятига оид тадбирлар ўз ифодасини топган. Бу бўлим маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берадиган ишлаб чиқариш эстетикасига доир тавсиялар беради. Завод коллективининг социал тараққиёти билан боғлиқ масалалар ҳам шу бўлимга киритилган.

Шу системага асосланиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни биринчи тақдимдаёқ техника контроли бўлимига топшириш учун масъулиятни оширадиган қоидалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳужжатлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлимларнинг инженер-техник ходимлари иши сифатига баҳо бериш тартиби белгиланди.

Янги системани жорий этиш заводга қандай фойда етказди? Аввало рекламациялар сони бир мунча камайди. Чунончи, завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳили ва сони кўпайган бўлишига қарамай, 1968 йилда рекламациялар сони 1966 йилдагига нисбатан 8,7 баравар камайди.

Техника контроли бўлимига биринчи тақдимдаёқ топшириладиган маҳсулот кўпайиб, ҳозир 96,2 процентга етди. Ишчиларнинг маҳсулот сифати учун масъулиятигина эмас, уларнинг сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорлиги ҳам ошди. Заводда энг муносиб ишчиларга ўзи ясаган маҳсулотга шахсий тамға қўйиш ҳуқуқи берилади. Бундай ишчилар норма бажарганлиги учун оладиган мукофотдан ташқари, ойлик маошининг 10 процентигача миқдорида қўшимча мукофот оладилар.

Заводда ҳар 10 кунда сифат кенгаши ўтказилади. Бундай «Сифат кунларида» завод маркасининг шуҳрати учун қилинган ишларга якун ясалади, буюмларнинг чидамлилигини ошириш учун янги тадбирлар белгиланади. Техника контроли бўлими бошлиғининг цехлар ва бўлимларнинг иш кўрсаткичи ҳақидаги доклади эшитилади. Сифат кунида ҳамма цехларнинг бошликлари, техника контроли бюроси, бўлим раҳбарлари, буюртмачилар вакиллари, шунингдек корхона раҳбарлари қатнашадилар.


Тайёрланган ҳар бир сифатсиз маҳсулот шу кенгашда муҳокамага сабаб бўлади. Шу ернинг ўзида камчиликларни тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилади. Бундай кенгаш ҳар бир цех ва бўлимда ҳам бўлиб ўтади.

Кўриниб турибдики, маҳсулот сифатини ва чидамлилигини оширишни таъминлаш системаси корхона фаолиятига маълум таъсир кўрсатмоқда. Бироқ бу система жорий этилиши биланоқ маҳсулот сифати ва чидамлилигини таъминлаш проблемаси тўла ҳал қилинди деб бўлмайди. Ҳозиргача ёрдамчи ишлаб чиқаришда бу масала ҳал қилинган эмас. Айрим технологик жараёнлар бўйича статистик контрол асосида сифатни оширишнинг математик усулларини жорий этиш жуда суст бормоқда. Ишлаб чиқаришга конструктив камчиликлар бўлган ҳужжатлар тез-тез келиб туради. Демак техника ҳужжатлари сифатини контрол қилиш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Коллектив олдида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва чидамлилигини, пишиқлигини ошириш вазифалари турибди. Бу вазифаларни уддалаш учун завод коллективи бутун куч ва ғайратини сафарбар этади.

Н. АЛЕКСАНДРОВА,
Электрон техника заводи техника контроли бўлимининг бошлиғи.

Т. АРУТЮНОВ,
Ишлаб чиқаришни тайёрлаш бўлимининг катта инженери.



Республикамиз бўйлаб
СУРАТДА: Фарғона шаҳридаги Фрунзе массивининг кўриниши.

Н. Раҳмонов фотоси.

●*ЎзТАГ хабарлари*

ҚАШҚАДАРЁ ОРТДА ҚОЛДИ

ҚАРШИ. «Куйловчи поезд» пассажирлари республика — адабиёт ва санъат байрамининг қатнашчилари Қашқадарё областининг меҳнаткашлари билан ҳайрлашди. Улар театрларда, маданият саройлари ва уйларида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган ашулаларни ижро этдилар ва шеърларни ўқиб бердилар.

В.И.ЛЕНИН МУЗЕЙИ

Наманган Медицина билим юртининг студентлари В. И. Ленин музейини ташкил этишди. 1.200 экспонат — фотосуратлар, картиналар, Ильич бўлган жойларни тасвирловчи карталар, доҳий сўзлари ёзиб олинган грампластинкалар бу музейга қўйилган.

Музейда совет ташкил этилди. Бу советнинг планига мувофиқ ёшларнинг Ильични кўрган партия ветеранлари билан учрашувлари ўтказилади, махсус кутубхона ташкил этилади.

Совет Наманган областида В. И. Ленин номига қўйилган корхоналар, колхоз-совхозлар ва ўқув юртларининг фаолиятини ҳикоя қилувчи бир қанча альбом тайёрламоқда.



Тошкент экскаватор ремонти заводининг ремонтчилари республикамиздаги янги бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштираётган қишлоқ ирригаторлар механизаторлари учун суғориш тармоқларини кавловчи экскаваторларни кўплаб тайёрламоқда.

СУРАТДА: ремонтдан чиқарилган экскаваторлар.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МАРОҚЛИ КЕЧА

Чилонзор район Алишер Навоий номли маданият уйида мусиқа кечаси бўлиб ўтди. Кечада таниқли шоирлардан Шуҳрат, Ёғдин Мирзо, Пўлат Мўмин, ёш шоир Раззоқ Абдурашидовлар иштирок этишди.

Дастлаб шоир Шуҳрат, Пўлат Мўмин ўз шеърларидан ўқиб беришди.

Навбат Раззоқ Абдурашидовга берилади. Унинг муҳаббат, она диёр ҳақидаги шеърлари, озарбайжон шоири Самад Вургун шеърларидан таржималари поэзия ихлосмандларида яхши таассурот қолдирди.

Минбарга шоир Ёғдин Мирзо чиқади. Шоир меҳрибон ва ҳар доим жонкуяр оналаримиз ҳақида ёзган «Она». «Қиз юраги» шеърларини ўқиб беради.

Қизиқарли ўтган бу кеча қатнашчилари завқ-шавқ билан маданият уйидан қайтдилар.

М. РАСУЛЕВА.

Ярим ҳарбийча кийинган киши консерватория биносига яқинлашмоқда. Ёши элликлардан ошган, аммо ҳарбийча барваста-лик унга жуда ярашиб турибди. Қўлида бугунги газеталар. Студент ёшлар уни кўрган замон илиқ табассум ва ҳурмат ила таъзим қиладилар.

Муомала ва кўпчиликнинг ҳурматидан маълумки, бу одам шу олий ўқув юрти студенти ва ўқитувчилари орасида обрў-эътибор қозонган.

Кабинетига киргач, қўлидаги газеталарни стол устига қўятириб, атрофга назар ташлайди ва дидига ёқмаган, ўрни бузилган нарсаларни тўғрилади. Приёмникни оҳиста бураб, ҳар кунги жойига келиб ўтиради.

●*Сўнмас у кунлар шуҳрати*

СОБИҚ ЖАНГЧИ БУГУН ТАРБИЯЧИ

Бу «Граждан хавфсизлиги» ўқув кабинетидаги ҳар бир нарса жойжойида. Ўқув кўргазмалари, республикамиз юксалишининг беш йиллик босқичлари ва сиёсий карта ўз ўрнига қўйилган.

Фотосуратлардан бирида собиқ дивизия штабининг бошлиғи, ҳозирда эса шу кабинет мудири — консерватория ўқитувчиси, запасдаги майор Александр Петрович Мельников қувноқ кулиб, ўз солдатлари орасида қизғин атакадан сўнг дам олиб ўтирганги тасвирланган. Бу, Ростов-Донни озод қилиш кунларида олдирилган эди.

— Жуда қувноқсиз, ўлимдан қўрқмаган бўлсангиз керак? — деб сўрашади студентлар ундан.

— Жангда ўлимдан қўрқмаслик керак, — дейди кулиб Александр Петрович — ўлим сендан қўрқсин, шунда сен ундан эмас, у сендан қочади.

Яқинда Александр Петрович узоқ Қалмикистон АССР нинг пойтахти — Элиста шаҳрининг комсомолларидан ва республика қарбий коммисариатидан хат олди. Улар собиқ ҳалоскордан Қалмиқ ўлкасини немис-фашист босқинчиларидан озод этиш кунларида эсдалик бўлиб қолган фотосуратлар, шахсий ҳужжатлар, олий ҳарбий қўмондонлик рақматномасини шу ўлкада очилаётган тарих музейи учун юборишни сўрашипти.

Бу хушхабар консерватория студентлари орасида тез тарқалди. Севимли шогирдлар собиқ жангчи қузуригa йиғилиб, ундан босиб ўтган ҳарбий йўли ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар. Собиқ жангчи уларнинг талабини бажонидил адо этди.

А. П. Мельников ва сафдошларининг жанг кунларидаги фаолияти ҳақида В. Скоробогатов «28-армия Қалмиқ ўлкаси учун жангдан номли китоб ёзган эди. Александр Петрович эсдалик учун Қалмикистон АССР ҳарбий комиссариати юборган бу китобнинг титул варағига қуйидагилар ёзилган:

«Ҳурматли Александр Петрович, сизга 28-армия ветеранига бундан 25 йил олдин Қалмик ўлкасини немис-фашист босқинчиларидан озод қилган жангчига В. Скоробогатовнинг «28-армия Қалмиқ ўлкаси учун жангда» деган китобини юбораман. Бу армиянинг қаҳрамонлиги ва ватанпарварлиги бир умрга қалмиқ халқининг дилида сақланиб қолади.

Александр Петрович студентлар билан учрашувда мана шу воқеани ҳам сўзлаб берди:

— 1942 йилнинг ноябрь — декабрь ойлари, фашистлар Сталинград учун жон бериб, жон олмоқдалар. Ҳар бир атакаси қақшатқич зарбага учрайвергач, улар танкларда флангни айланиб, Қалмиқ чўлларига чиқмоқчи бўлдилар. Худди шу ерда 28-армия темир қалқон ҳосил қилиб, душман йўлини тўсиб олди. Бу ҳақда В. Скоробогатовнинг китобида ҳам ёзилган..

Александр Петрович қалмиқ дўстлар сўраган ҳамма нарсани бажонидил жўнатди.

Консерватория студентлари моҳир педагог, собиқ жангчи, коммунист Александр Петрович Мельниковни чин инсон бўлгани учун ҳам севадилар.

А. ИСМАТИЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ТОМОШАДА ТОМОША“

Газетамизнинг шу йил 25 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда «Билим уйи»даги концерт кечаларидан бирида содир бўлган тартибсизликлар танқид қилинган эди.

«Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Қ. Фозилхўжаев редакцияга қуйидагиларни ёзди:

«Тошкент оқшоми»да босилган танқидий мақола ҳурматли газетамиз томонидан бизга ўз вақтида берилган ёрдам бўлди. Биз мақолани кенгайтирилган партия мажлисида муҳокама қилдик. «Билим уйи» директори С. Пўлатовга хайфсан эълон қилинди. Йўл қўйилган нуқсонларга мутлақо барҳам бериш юзасидан тадбирлар белгиланди.

БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТСИЗ БЎЛАЙЛИК

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ улуғ Ленин социализм душманларига, меҳнаткашларнинг оромини бузадиганларга шафқатсиз бўлишга даъват этган эди. Муттаҳамлар, текинхўрлар ва безориларга қ а р ш и жанг қилмоқ керак,—деб таъкидлаган эди у. Шунинг учун безориларга нисбатан раҳмдиллик ва ожизлик кўрсатиш социализм ҳақиқатига ҳиёнат бўлади деб, ўқтирган эди.

Безорилик аввало ичкиликбозлик оқибатида вужудга келади. Жиноятчи ичкилик билан ўз аъзосини заҳарлабгина қолмай, атрофдагиларни, оила ва ёшларни руҳан заҳарлайди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин айтгандек, ҳар қандай безорилик ҳаракатининг илдизига болта уриш, уни жамиятимиз ўзидан тағ-томири билан суғуриб ташлаш зарурдир. Шундай қилган и м и з д а безорилардан ўсиб чиқадиган бошқа оғир ва хавфли жиноятларнинг олдини олган бўламиз. Турли жиноятлар ва айниқса, безорилик каби эскилик марази ҳаётимизда учраб туришга эндиликда сира тоқат қилиб бўлмайди. Жамиятимиз ривожланган сари унинг ўз аъзолари хулқ-атворларига бўлган талаби ҳам тобора ошмоқда.

Ана шу истак ва таклифларни ҳисобга олиб, СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 26 июлда «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» фармон қабул қилган эди. Мазкур фармоннинг 9-моддаси уч қисмдан иборат бўлиб, у ҳеч ўзгаришсиз Ўзбекистон Жиноят кодексининг 204-моддасига киритилган. Бу фармонда майда безорилик, оддий ва ашаддий безорилик учун қўлланиладиган жазо чоралари кучайтирилган эди. Қариб уч йил мобайнида шу қонунни қўлланиш маълум самаралар берди, албатта. Суд, прокуратура ва милиция органларининг безорилик билан кўрашдаги фаолиятн ҳам анча яхшиланди.

Лекин ҳали бу соҳада олиб борилаётган ишлар меъёрига етказилгани йўқ. Айрим маъмурий орган ходимлари безориликка нисбатан муросасозлик кўрсатмоқдалар. Бундай ҳолларга дарҳол чек қўйиш зарур.

Безориликка қарши муттасил кураш олиб бориш барча корхона, муассаса, ўқув юртлари ва ташкилот раҳбарларининг диққат марказида бўлмоғи керак. Зотан, ҳар бир корхона ва жамоат ташкилоти раҳбари ўз коллективи ўртасида тарбиявий ишлар олиб боришда шахсан жавобгардир. Ҳар қандай корхона, цех ва қурилиш коллективларига баҳо беришда ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларигагина ҳисобга олмай, шу коллектив аъзоларининг хулқ-атвори, уларнинг социалистик турмуш қоидаларига, коммунистик аҳлоқ нормалари ва совет қонунларига қандай риоя қилишларига ҳам қараб баҳо бериш зарур. Чунки ҳар қандай жиноят коллектив учун иснод келтирадиган қора доғдир. Кўпинча безорилик, ичкиликбозлик ва совет қонунларини бузиш коллектив раҳбарлари ва атрофдагиларнинг бунга муросасозлик билан бефарқ қарашлари оқибатида вужудга келмоқда. Буни қуйидаги факт ҳам равшан кўрсатиб турибди.

Тошкент шаҳар ҳушёрхонасидан ичкиликбозларнинг иш жойларига 1968 йили юборилган кўп сонли хатларнинг бир қисмигагина. Масалан, 1969 йили Чкалов номли заводдан 10 процентига, «Ташсельмаш» заводидан 7 процентигача жавоб келган. Бу ичкиликбозликни тугатишга бефарқ қарашнинг ўзгинасидир. Ичкилик эса деярли барча жиноятларнинг келиб чиқишида омил бўлмоқда. Масалан, Тошкент шаҳар Киров районида 1968 йили ҳисобга олинган майда безориликнинг 93 проценти, шаҳар бўйича эса жиноий ишларнинг 86 проценти маст ҳолда содир этилган.

Шунинг учун ҳам ичкиликбозликка қарши курашни барча чоралар билан кучайтириш лозим. Аввало ўткир ичимлик сотишни тартибга солиш, бу ҳақдаги партия ва ҳукумат қарорини оғишмай амалга ошириб бориш керак.

Афсуски, айрим савдо ходимларининг айби билан қондага хилоф равишда корхона, клуб, стадионларга яқин жойларда спиртли ичимлик сотилади, ошхона, ва чойхоналарда, буфет ва кафеларда ичишга йўл қўйилади. Ленин районидаги 89 та магазиндан 54 тасига расмий равишда ўткир ичимлик сотишга рухсат этилган. Айрим савдо ишчиларини эса ҳеч қандай оғиб, мумкин қадар кўпроқ миқдорда ичимлик сотишга уринадилар. Баъзи магазин қоровуллари эса кечаси ароқ-фурушлик ҳам қиладилар.

Ичкиликнинг зарарларн тўғрисида, жамоат тартиби ва қонунчиликни мустаҳкамлаш вазифалари ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиш жуда зарур тадбирдир. Ичкиликбозларга яхшироқ таъсир кўрсатиш учун унинг киши организмига, моддий турмушига, оиласига ва кўпчилик ўртасидаги обрў-эътиборига нақадар катта путур етишини яққол намойиш қилиб бериш лозим. Бу борада сатирик газета, фотовитрина ва ўткир ҳажвий варақалар кичик-очерк ва телерепортажлар ташкил қилиш яхши натижалар беради. Шунга эришмоқ керакки, ашаддий ичкиликбоз ва алкоголиклардан халқ ҳазар қиладиган бўлсин.

Ичкиликбозлик турмушда киши бошига нақадар катта кулфатлар келтириши ҳаммага аён. Бу жирканч одат жамиятимизнинг аҳлоқ принципларига, ёшларни тарбиялаш ишига, соғлиғига, экономикамизга катта зарар келтирмоқда. Шуни эсда тутиш керакки, ҳар қандай ичкиликбоз— безориликнинг ёки бошқа хил жиноятчиликнинг резервидир. Ичкиликка пул топиш учун ўғирлик кўчасига кирувчи шахслар ҳам учраб туради. Бинобарин, судлар жиноий ва маъмурий иш кўрган пайтларда алкоголикларни мажбурий равишда даволаш чораларини ҳам ҳамиша эсдан чиқармасликлари керак. Ёшлар ва катталарнинг дам олиш вақтини яхши, маданий ўтказишни ташкил қилиш — ичкиликбозликка қарши курашнинг самарали йўлидир.

Жиноятнинг олдини олишда совет қонунларини ва сиёсий билимларни кенг ва чуқур пропаганда қилиш ҳам жуда зўр самаралар беради. Шунинг учун юрист илмий ходимлар ҳамда суд, прокуратура, милиция органларининг тажрибали хизматчилари матбуот ва радио орқали ёки бевосита корхона ва ташкилотларда турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб, ўртоқлик суди ва дружина аъзолари ўртасида тезтез семинарлар уюштириб туришлари лозим. Бундан ташқари, бирон айб қилиб, кафилга берилган шартли ҳукм бўлиб, қайта тарбиялаш учун иш жойида қолдирилган, шунингдек ўртоқлик суди томонидан жамоат жазоси олган шахслар устидан меҳнаткашлар коллективлари доимий назорат қилиб, улар билан узлуксиз тарбиявий иш олиб бормоқлари керак.

Ўртоқлик суди мажлисларини яхши ташкил қилиш, ишнинг муҳокамасини пухта ўтказиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу судларнинг актив фаолияти натижасида кўпгина жиноятларнинг олдини олиш мумкин. Шунинг учун жамоат ташкилотлари ва маъмурий органлар ўртоқлик судларининг яқинидан ёрдам бериб боришлари, суд аъзоларини совет қонунқоидаларн ва иш юритиш тартибларн билан яхши таништириб туришлари зарур.

Жиноятга қарши кураш барча гражданларнинг муқаддас бурчидир. Ҳар қандай жиноятчи ва айниқса, безорилар барча гражданларнинг ғазаб ва нафратига учрасалар, қалқининг уларга қарши жиддий оёқланганини сезсалар, албатта, тийилиб қоладилар. Безориларни тийиб қўйиш учун ҳар бир совет кишиси дадил ҳаракат қилмоғи керак. Унинг бу ҳаракатини қонун қўллаб-қувватлайди. Безорилик қарши бе ҳамжиҳат бўлиб курашайлик, жамоатчилик оромини бузадиганларга нисбатан шафқатсиз бўлайлик.

Ғ. АҲМЕДОВ,
юридик фанлари кандидати.



СУРАТДА: Ўзининг кўркамлиги ва салқинлиги билан шаҳарликларнинг энг яхши дам олиш жойига айланган Ленин номли комсомол боғи.
Г. Пуп фотоси. (ЎзТАГ).

ПАЗАНДА МИНБАРИ

КОВАТОК ШЎРВА

Кўпчилик коваток таомларини баҳордагина истеъмол этади. Мева-чева, янги сабзавот кўпайган ёз фаслида эса бу таом «унутилади». Баъзилар, узум барги дағаллашади, шунинг учун еб бўлмаса керак, деб ўйлашади. Бу фикр тўғри эмас.

Узумнинг йилтироқ баргларидан териб, совуқ сувда чайқаб сиркитиб қўясиз. Мод ёки қўй тўштидан қийма тайёрлаб, тенгма-тенг пиёз қўшасиз. Мурч, намакоб билан бирга яхшилаб миқтайисиз. Ҳар бир барка қийма солиб дўлмачалар (ковакоклар) тугасиз, барча ковакоклари ипга чизиб, шода қиласиз. Шўрвани қайнатма усулида тайёрлайсиз. Бунинг учун қозонга сув қуйиб, сузгичларни солиб қайнатасиз. ҳосил бўлган кўпикни сузиб ташланг. Сўнгра бунга майда тўғралган пиёз, паррак - паррак қилиб кесилган сабзи, бутун картошка ва ҳалиги коваток шодани солиб милтиратиб 1 соатча қайнатасиз.

Таъмини ростлаш учун меъёрида туз ва бутун қалампир солишимча алпаия бўлинмалари ташланди.

Ален Бук ўз репортажининг каттагина қисмини маҳаллий аҳолининг оғир аҳволини тасвирлашга бағишлаган. Бу ерда гап Америка кўмондонлиги ҳарбий объектлар қуриш учун бу райондаги энг ҳосилдор орол экономикасини асосини ташкил қилган ерларни тортиб олаётганлиги ҳақида борарди.

Окинавадаги ҳақиқий ҳукмронлик деб таъкидлайди Ален Бук америка ҳарбий комиссариати қўлидадир. «Бу ерда яшовчи киши оролдан бошқаёққа боришни истаса ҳужжатлар масаласида доимо қийинчилик сезади. Ахир аслида гражданлигидан маҳрум қилинган: японлик ҳам эмас, америкалик ҳам эмас. У ҳеч бир мамлакатда ўзининг манфаатларини ҳимоя қиладиган элчихонага эга эмас. Окинавалик

санғиз яна соз бўлади. Тайёр шўрва дастурхонга яримқосадан сузилади, юзига кашнич ёки зира пиёз сепилади. Суяк, сабзи, картошка ва коваток таганчага сузилгач, юзига кўк пиёз сепилади.

Массалиқ — (6 кишилик улфатга мўлжалланганда). 1 килограмм гўшт, 30 дона узум барги. 1 килограмм пиёз (ҳам қийма ҳам шўрвага), 200 грамм сабзи. 0,5 килограмм картошка, таъбга кўра помидор, ошкўк ва карам керак бўлади.

К. МАҲМУДОВ.

ТИКАНЛИ СИМЛАР ОРАСИДАГИ ОРОЛ

ёрлайди. Бошқа — махсус отрядлар партизанларга қарши кураш олиб бориш учун ўқитилган. Бундан ташқари Окинавада денгиз пиёдалари ва ракета қўшинлари ҳам жойлашган.

«Лекин энг актив куч, деб ёзади француз журналисти,— авиация ҳисобланади. Бу ерда 3 та бомбардимончи эскадрилья, қирувчи самолётлар қўшилмалари Мейс — Б ракеталарига хизмат қилувчи иккита группа бор.

Оролдаги улкан заправочи самолётлар Тинч океанининг ғарбий қисмида жойлашган бомбардимончи авиациянинг ҳужум қилиш қувватини оширишга даъват этилган.

Маҳаллий базаларга 1968 йил февраль ойида келган В-52 самолётлари бу ердан Вьетнамни бомбардимон қилиш учун учишлар қилдилар.

Бундан ташқари Окинава Шимолий Корея устида разведка учишлари олиб бориш учун ҳам база бўлиб хизмат қилаяпти. «Пуэбло» билан бўлган жанжалдан сўнг бу ерга «вақтинча» қўшимча авиация бўлинмалари ташланди.

Ален Бук ўз репортажининг каттагина қисмини маҳаллий аҳолининг оғир аҳволини тасвирлашга бағишлаган. Бу ерда гап Америка кўмондонлиги ҳарбий объектлар қуриш учун бу райондаги энг ҳосилдор орол экономикасини асосини ташкил қилган ерларни тортиб олаётганлиги ҳақида борарди.

Окинавадаги ҳақиқий ҳукмронлик деб таъкидлайди Ален Бук америка ҳарбий комиссариати қўлидадир. «Бу ерда яшовчи киши оролдан бошқаёққа боришни истаса ҳужжатлар масаласида доимо қийинчилик сезади. Ахир аслида гражданлигидан маҳрум қилинган: японлик ҳам эмас, америкалик ҳам эмас. У ҳеч бир мамлакатда ўзининг манфаатларини ҳимоя қиладиган элчихонага эга эмас. Окинавалик ҳатто Токиога бораётганда ҳам олий комиссариат томонидан берилган алоҳида рухсатномани кўрсатишга мажбур.

Окинавада никита суд системаси мавжуд, маҳаллий судлар америка ҳарбий хизматчиларини қилган жиноятлари учун суд қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. «Вьетнамдаги олдинги позициядан келган солдатлардан, деб ҳазилмуз ундиради Ален Бук, — қисқа вақт ичида маҳаллий қонунларга қатъиян амал қилишни талаб этишни ўйлаш нулгили бўлур эди. Ҳар йили минглаб жиноятлар бўлади. Лекин Окинава судьялари окинавликларни жабрлаган америка солдатларининг жиноятини кўриб чиқиш учун бирон марта ҳам рухсат олганлари йўқ.

Оролда Америкаиинг жуда катта миқдордаги қурол-яроғлари тўпланганлиги, сув манбаларининг ёнилғи чиқиндилар билан заҳарланаётганлиги, товушдан тез учадиган самолётларнинг бетиним шовқини ва энг асосийси, бирон бир сабаб билан ядро конфликти чиқиб қолса ёки бахтсиз ҳодиса рўй берса йўқ бўлиб кетиш хавфи — булар ҳаммаси Окинава ҳаҳолисининг ҳаҳрли норозилигини келтириб чиқаряпти, деб ёзади «Монд» мухбири. Босқинчиларнинг кетиши ҳақидаги талаб тобора қатъийроқ бўлиб боряпти.

(АПН).

● *Ўзбекистонда Монголия кунлари олдидан*

МОНГОЛ ЭРТАКЛАРИ ҲАҚИДА

Мўғул халқ оғзаки ижоди қадимий анъаналарга эга. Халқ оғзаки ижодида эртак жанри катта ўрин тутади. Мўғул халқ эртакларининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг ҳазилнамо ва сатирик руҳидир. Эртакларда халқнинг турмуш шароитлари, ўзаро муносабатлари ҳикоя қилинади, социал тенгсизлик, даб-дабалар, ҳукмрон синфнинг зулми, маккорлик, елғончилик ва бошқа салбий хусусиятлар сатира остига олинади.

Сатирик эртаклар орасида бадарчинлар (сайёҳ монах) ва «Далан худалч» («Етмиш эртак») циклига кирувчи ҳазил эртаклар ҳам бор. Бу эртакларнинг барчаси феодал тенгсизлиги, ҳаётнинг у ёки бу камчиликлари устидан кулги уйғотади.

Очкўзлик, золимлик ва бойларнинг ҳасислиги кўпинча ҳайвонлар образи орқали масал тариқасида ҳикоя қилинади. Мана, шундай эртаклардан бири.

Кунлардан бирида ҳайвонлар шоҳи арслон барча жониворларни тутиб ейишга киришибди. Бора-бора қўёнга навбат етибди. Шер уни тутиб олиб, шундай дебди:

— Сен тишимнинг кавагида қолиб кетасан. Лекин навбатинг келганидан кейин ейишдан бошқа иложим йўқ.

Қўрққанидан қўёнинг тили калимага келмай қолибди.

— Майли,—дебди қуён. Мен розиман. Фақат битта гапим бор. Шуни эшитсанг: мен йўлда сендан ҳам каттароқ ҳайвонни учратиб қолдим. Зўрга қочиб қутилдим.

— Дунёда мендан зўрроқ ким бор экан!—деб ҳайқирибди шер.—Қани кўрсатиб қўй!

Қўён шерни қудуқ ёнига етаклаб келиб, имо қилибди.

— Ўша ҳайвон мана шу қудуқнинг тагида яшайди. Ўзинг қараб кўр. Мен унинг кўзига кўринишдан қўрқаман.

Шер қудуққа қарабди-ю, ёллари ҳурпайиб кетган аллақандай даҳшатли ҳайвонни кўрибди. Шер бу ҳайвон мени масхара қиляпти деб ўйлабди-ю, газаб билан ўзини қудуққа ташлаб чўкиб кетибди.

Мўғул эртаклари орасида данғасалик ва аҳмоқликни қораловчи, аниқа ва тентак ламаларни танқид қилувчи асарлар бор.

Кунлардан бирида ламани меҳмонга чақиришибди. У мезбон ўтовининг тўрига ўтириб олиб дуо ўқишга киришибди. Шу пайт уй бекаси кириб салом берибди. Лам бу хотин менга овқат олиб келяпти деб ўйлаб, аёл томонга қўлини чўзибди. Лекин унинг қўлидаги овқат эмас, бола эканлигини пайқаб уялиб қолибди. Бироздан кейин аёл овқат олиб кирганида ҳам лам уялиб қолишдан қўрқиб қайтилиб қарамабди.

Бу эртакнинг фақат ахлоқий аҳамияти бўлибгина қолмай, калтабинлик ва енгилтакликни қоралайди.

Бадарчинлар ҳақидаги эртаклар мўғул сатирик ижодида муҳим ўрин тутади. Бадарчинларнинг сайр-саёҳатлари ҳақида кўпгина юмористик эртаклар бор. Улар Мўғулистонда ламаизм тараққий эта бошлаган пайтда—XVII—XIX асрларда айниқса кенг тус олди. Бу эртакларнинг бош қаҳрамони ақлли ва тадбиркор бадарчиндир. У бир овулдан иккинчи овулга саёҳат қилиб юради. Бойлар ва золимлар устидан кулади.

Кунлардан бирида бадарчин серсавлат бир ўтовга кириб қолибди. Каттакон қозонда ёқимли ҳид таратиб қўй гўшти қайнаб турган эмиш. Уй эгаси ўлгудай зиқна экан. Меҳмонни оч қолдириш мақсадида қозондаги сув қайнаб бўлгунча ҳам гўштни олмабди.

Ниҳоят бадарчин тоқатитоқ бўлиб, ўрнидан турибди.

Шунда уй эгаси унинг кўнглини кўтармоқчи бўлибди.

— Қаердан келяпгандинги меҳмон?—

— Аввал сувқайнар мамлакатида бўлдим. Кейин гўштқотар мамлакатига келиб қолдим. Ҳозир эса тошқотар мамлакатида турибман.—дебди бадарчин. У очкўз бойдан шундай қилиб ўч олибди.

Бадарчин ҳақидаги эртакларда бойларнинг зиқналиги ва маккорлиги ҳажв қилинади. Лекин бу циклдаги кўпгина эртакларда одамларнинг соддалиги устидан аччиқ куладилар.

Кунлардан бирида Далан Худалч йўлда кетаётганида бошида қозон кўтариб келаётган аёлга дуч келибди. Аёл уни масхара қилмоқчи бўлибди.

— Далан, Худалч-гуай, сени эртакка уста дейишади. Эртак айтишни биладиган одам ёлғончи бўлади. Қани, мени бир алдамайсанми?

— Қўйсангчи, ҳозир вақтим бормн! Кўряпсанми, осмоним ўт тушди. Ҳаммаёқ ёниб кетяпти.

— Қани?—деб сўрабди аёл ва шошилиб осмонга қараган экан бошидаги қозон ерга тушиб синиб кетибди.

Мўғул эртаклари ҳажм жиҳатидан кичкина бўлсада, шоирона руҳ билан суғорилган мўғул эртаклари кўпгина элларга манзур бўлса керак деб умид қиламиз.

У. ЗАГДСУРЭН,
МХР фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг ходими.

Чойжилин ЧИМИТ
(мўғул шоири.)

Қ ў ш и қ

Найчининг қўшиғи парвоз этади,
Куйлайди, сўйлайди оддий қамиш—най.
Гоҳ мунгли севгидан у роз этади,
Юрак тўлқинланиб эрийди мўмдай.
Ғамгин куй таралса қалбда ҳам алам,
Шод қўшиқ янграса юракка ҳузур.
Мунгли оҳанглари, шўх куйлари ҳам
Қалбимга из солиб ўтади чуқур.
Юқори саҳнада тураркан найчи
Вазминлик-ла ташлар кенг залга нигоҳ.
Унинг юрагига таъсир этармн
Одамлар қалбидан чиққан мунгли «оҳ»...

Ю. ШОМАНСУР таржимаси.



Монгол ёшлари ўзларининг дам олишларини ана шундай хушчақчақлик билан ўтказишади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Лейпциг округидаги йирик «Тирбах» иссиқлик электростанцияси совет лойиҳаси асосида қурилляпти. Қурилиш учун зарур ускуналарни Совет Иттифоқи, Польша, Венгрия ҳамда шу ернинг ўзидаги корхоналар етказиб бераяпти.

СУРАТДА: Польша Халқ Республикаси мутахассислари сувни тозалайдиган резервуарни йиғишляпти.


АДН — ТАСС фотоси.

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИ БАРҲАЁТ

САНТЬЯГО, (ТАСС). Чили коммунистларининг органи «Сигло» газетаси Владимир Ильич Ленинниинг асарларидан жуда хилма-хил проблемаларга доир фикрларни синчиклаб танлаб олиб шу парчаларни «Ленин ғоялари барҳаёт» деган рубрика остида ҳар кун босиб чиқармоқда. Газета Ленининг «Бир қадам олға икки қадам орқага», «Демократик революцияда социал — демократиянинг икки тактикаси», «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали», «Давлат ва революция» ва бошқа шу сингари кўпгина асарларидан олинган кичикроқ парчаларни босиб чиқармоқ д а. «Сигло» газетаси партиянинг роли, пролетар диктатураси, ишчи-деҳқонлар иттифоқи ва пролетар интернационализми тўғрисида Ленининг доҳиёна таълимоти билан, капитализм ва уруш тўғрисида, миллий масала, ёшларнинг роли ҳақида В. И. Ленин айтган фикрлар билан газетхонларни таништирмоқда.

Газетада бу рубрика бутун юбилей йилининг давомида бериб борилади.

Газета коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисидаги мурожаатини тўла-тўкис босиб чиқариб. «Владимир Ильичнинг юбилейи жаҳоншумул аҳамиятга эга тарихий воқеа» эканлигини таъкидламоқда.



РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ. СУРАТДА: Констанцидаги янги касалхона.

Аджерпресс — АПН фотоси.

Салоникадаги суд

АФИНА, (ТАСС). Салоникада фавқулодда ҳарбий трибунал бир группа демократлар устидан янги сиёсий суд бошлади. Суд жавобгарлигига тортилган 16 киши — ишчилар, хизматчилар, студентлар, зиёлиларнинг ҳаммаси «мавжуд режимни тор-мор қилишга уринди» деб коммунистик партияни тақиқлаш тўғрисидаги 509-рақамли қонунга асосланиб бир қолипда айбланмоқда.

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА, Миср махсус кўшинларининг бўлинмалари ўтган куни кечаси Сувайш каналидан унинг шарқий соҳилига икки марта ўтиб, Исроил патруллари билан жанг қилишди. Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг айтишига қараганда, каналнинг шарқ соҳилидаги мана шу жанглар вақтида Миср махсус кўшинларининг бўлинмалари душманнинг бир танкини ва икки транспортёрини яксон қилганлар. Исроилнинг бир неча солдатини ўлдирганлар ва жароҳатлантирганлар.

Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлигининг аҳборотида яна шу нарса ҳам айтиладики, исроил солдатларининг бир пиёда аскарлар ротасига тенг келадиган группаси ўтган куни кечаси Сувайш кўрфазидан ўтиб, Сувайш ақинидаги Адабия портининг Жанубида Миср нинг контрабандистлар билан кураш постига ҳужум қилди. 30 минут давом этган жанг вақтида миср соҳилини муҳофаза қилувчилардан 5 киши ўлдирилди ва 7 киши жароҳатлантирилди. Исроил-ликлардан эса 4 киши ўлдирилди ва 7 киши жароҳатланди.

ЯНГИ ТУЗИЛГАН РАҲБАРЛИК КЕНГАШИ

АДАН, (ТАСС). Жанубий Яман халқ республикаси миллий фронти олий раҳбардигининг — республикадаги олий ҳокимият органининг — қарори билан Кактан ош-шаъбий Жанубий Яман халқ республикасининг президенти лавозимидан олиб ташланди. Республика президенти вазифасини бажаришни беш кишидан иборат янги тузилган раҳбарлик кенгаши ўз зиммасига олди.

Фронт олий раҳбарлигининг кеча Адан радиоси орқали эълон қилган баёнотида айтилишича, миллий фронт раҳбарлари мамлакатда қонун чиқарувчи бирдан-бир органдир.

Миллий фронт, деб ёзади баёнотда, миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб - қувватлайверади ва араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлай беради.

Олий раҳбарлик Жанубий Яман халқ республикаси социалистик лагерь билан, аввало Совет Иттифоқи билан муносабатларини мустаҳкамлайверади, деб ҳам таъкидлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3
БЕТ.
25 ИЮНЬ 1969 Й.

Азиз Несин



Дадам кўзини юмиб, дафтарчани қидира кетди.

— Чап чўнтагим қани ўзи, ойиси?

— Бу костюмни уста ағдариб берган эди-ку... Чап чўнтак ўнг томонга ўтиб қолган бўлиши керак.

Ён дафтарча ойим айтган жойдан ҳам чиқмади. Дадам ўнг чўнтагидан бир ғалтак ип олди.

— „Дадангизнинг дафтарчаси қаерда туришини энди билиб олдингизми, болалар? — деди бувам кесатиб.

Бизнинг ўрнимизга жавобни ойим берди:

— Эсим қурсин... Кеча эрталаб костюмни тикиб қўювдим. Астари сўкилган экан. Чўнтакда ипи қолиб кетибди, билмабман.

Дадам жуда ўсал бўлди, ҳунобн ошди. Бирор нима билан ўзини оқламоқчи бўлиб яна чўнтакларини кавлаштираётган эди, бувам:

— Ҳа, намунча кавлаштирасан, туя йўқотдингми? — деб пичинг қилди.

Бувам қотиб-қотиб кулди. Бир пайт унн йўтал тутди.

— Пальтода, рўмолча бор эди, олиб берингдар, Ўнг томондаги чўнтакда, — деб буюрди бувам қаттиқ йўталаркан.

Югуриб бориб пальтони қарадим. Рўмолча кўринмади.

— Айтган жойингизда йўқ-ку, бува!

— Бўлмаган гап... Қани, бу ёққа олиб кел-чи пальтони... Қирқ йилдан бери шу ерда туради рўмолчам.

Пальтони келтириб бердим. Бувам рўмолчани тополмагач:

— Биров олганга ўхшайди,— деб ҳўмрайди.

Ойим югуриб бориб нариги хонадан янги рўмолча олиб чиқди, бувамга сездирмай унн секингина пальтонинг ўнг чўнтагига солиб қўйди.

— Ҳаҳ, турган экан-ку! Шу ерда бўлиш керак деб айтмадим-мн сизга!

Йўтал тинди. Бувам ён-верини тимирскилаб, яна ниманидир қидиришга тушди. Тополмагач, дарғазаб бўлди:

— Сигаретим қани? Ҳозиргина чўнтагимда турувди. Ким олди ўзи? Дарҳол топиб беринглар!

Бувамизни ортиқча хуноб қилмаслик учун сигаретни излай кетдик. Шу орада уйга меҳмонлар келди. Эр-хотин кўшнилар экан. Елиб-югурганимизни кўриб, улар ҳам ишга тушиб кетишди. Ҳамма зир югуриб, бувамнинг сигаретини қидиряпти-ю, у бўлса дам-бадам:

— Оббо лапашанглар-ей! Гезроқ бўлсаларинг-чи, намунча имиллайсанлар-а! — деб зарда қилади.

— Ҳозирча шундан чекиб тура қолинг, — деди меҳмон сигаретини тутиб.

Гапириб балога қолди. Бувамнинг қони қайнаб кетди.

— Ҳозир ўзимникини топиб берасанлар! — деб уйни бошига кўтарди.

Метин ичкаридан бир жуфт пайпоқ кўтариб чиқди.

— Кимники бу?

— Вой, қаердан топдинг! Қидирмаган жойим қолмовди-ку? — ҳайрон бўлди ойим.

— Бувамнинг сигаретини қидириб юрсам, холодильниknинг устидан чиқиб қолди.

Гир этиб дўкондан бошқа сигарет олиб келиш ҳам мумкин эди-ку, аммо бувамга ичидагидан кўра унинг металл қутиси муҳимроқ эди. Бир томондан, қидирганимиз яхши бўлди. Сигарет баҳонаси билан ўзимиз йўқотиб юрган кўп нарсаларни топиб олдик.

Меҳмонга келган хонимнинг тагидан бир парча қоғоз чиқди.

—Ия, радионинг қоғози-ку, — деб юборди дадам. — Бир ойдан буён тополмай юрувдим.

Дадам қидирган авторучка тарелкаларнинг орасидан чиқди. Кимдир янглишиб пичоқни ахлат қутисига ташлаб юборди.

Хуллас, анча-мунча нарсаларни топиб, эгасига қайтариб бердик.

— Э-э ,буни қаранглар, кимдир сигаретни тагимга қўйиб кетибди-я! Қайси бир ғирромнинг иши бу! — деб қолди бир пайт бувам.

Бундоқ қарасак, бувам тушмагур бизни роса овора қилиб қўйиб, сигаретини ўзи бемалол тагига босиб ўтирган экан.

Ҳеч ким индамади.

Хуллас, ўша куни эшитган гапларим менга алам қилди. Зарда устида хонани йиғиштириб чиқдим. Чиндан ҳам уйга анча қарамай қўйган эканман. Энди ивирсиқ қиз деган номдан қутилмоқчиман. Сендан олган хатларим ҳам тўзиб ётган экан, анча тартибга солиб қўйдим. Ҳаммасини папкага жойладим.

Эски синфлар ичида фақат сен менга мунтазам хат ёзиб турибсан. Мине ҳам онда-сонда ёзиб туради. Дамир билан Яшардан бир марта хат олдим. Ҳаммаларига жавоб ёзиб юбордим.

Тез-тез хат ёзиб тур. Келишдикми?

Сенга муваффақиятлар тилаб қолувчи:

Зайнаб ЁЛҚИР.

АИБ БЎЛАДИ

Истамбул,
11 январь, 1964 йил.

Азиз дўстим Зайнаб.

Сен билан тўрт йил бирга ўқиганмиз. Сени синфимизнинг энг саранжом-саришта қизларидан деб биламан. Шунинг учун сени ивирсиқ дейишганини эшитиб, жуда ҳайрон бўлдим. Уйда менга ҳам лақаб қўйиб олишган. Нуқул лапашанг дейишади. Аммо бунинг тагида жон бор. Дастурхонга ўтирсам, албатта чой тўкмасдан турмайман. Нечоғлик уринмай, барибир чойни тўкилиб кетаверади.

Ойинг Метинга нуқул тилингни кесиб оламан, деб пўписа қилишни қайси бир хатингдаям ёзган эдинг. Ҳамма оналар шунақа экан. Менинг ойим ҳам Фатўш деган сингилимни ҳамиша шунақа деб кўрқитади. Сингилим ҳали ёш, икки йилдан кейин мактабга боради. Бу нарса ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган. Менга ҳам ойим тилингни кесиб оламан, деб дағдаға қиларди. Аммо тилим жойида турибди.

Яқинда Фатўш ёмон бир қилиқ кўрсатди. Ойим уни роса уришди, тилингни кесиб оламан, деб пўписа қилди. Лекин бу гал чиндан ҳам Фатўшнинг тили узайиб қолган экан. Мана, эшит воқеани.

Дадомнинг қизиқ одати бор — ҳар икки гапнинг бирида «ҳўв», «вой занғар-ей» деган яроқсиз сўзларни ишлатиб туради. Фатўш бўлса нақ тўтининг ўзи, кимдан нимани эшитса, дарров шуни қайтаради. У «ҳўв фалончи», «вой занғар-ей!» деб чулдираб қолса, уйдагилар ўзларида йўқ суюниб кетишади. Кейин уни «намунча тили ширин-а. Худди катта одамга ўхшаб гапиради-я», деб эркалашади.

(Давоми бор)

Давоми. Бошн газетанинг ўтган сонларида.



Гул ошиқлари.
Х. Ҳаитмуҳамедов
фотоэтюди.
(УзТАГ.)

Текинхўрга шафқат йўқ

МАҚСУДНИНГ «САРГУЗАШТИ»

Мақсуд Ерекешев ҳали 40 ёшга тўлган бўлмаса ҳам шу давр ичида жуда кўп ишларни бошидан ўтказди. У қаерда ишламасин, албатта бир ишкал чиқариб жуфтакни ростлар, бир ишлаган жойига иккинчи қайтиб бормас, янги жойда эса яна ўша ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек «ихтирочи» лигини давом эттирарди.

Олтмр тўллак уч марта қамалиб чиққан бўлишига қарамай яна «ўз иши»ни давом эттираверди..

У Тошкентда табиий офат — зилзила бўлган кезларда «Ташжилпромстрой»нинг 3-қурилиш участкасига участка мастери бўлиб ишга кирди. Бу ерда қурилиш материалларини кўриб, унинг кўзлари бесаранжом бўлиб қолди!

М. Ерекешев қурилиш объектларига келган шифер, ёғоч ва тахталарни отасининг мулкидек, бемалол пуллай бошлади. Шаҳарнинг янги «Партия XXI съезди» ва «Бешқайрағоч» массивларида бир неча бор пайдо бўлган. Мақсуд чаққон қурувчиларининг «ҳожатини» чиқариб юрди.

Кўза ҳар куни эмас, бир кун синади. Кунларнинг бирида у катта юк машинасида навбатдаги сотиш учун олиб келган 300 дона шифер ва 5 кубометр тахта билан қўлга тушади. Бироқ эҳтил Мақсуд йўлини қилиб, бу ердан жуфтакни ростлаб қолади. Ташкилот ревизия қилинган вақтда уч минг сўмдан ортиқроқ камомат чиқади.

У шу кетишда Тожикистон ССРнинг Мастчоҳ районида бошпана топади ва аллақайси қурилишда инженер бўлиб ишлайди. Милициянинг уни қидириб юрганини пайқаб Тошкент областининг Бектемир қишлоғида пайдо бўлиб қолади.

Бу ерда ҳам қўним тополмай, Сирдарё областининг совхозлар трестига қарашли «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозида қурилиш бошлиғи бўлиб ишлай бошлайди.

У қаерга бормасин, мен ҳужжатларимни ўгирлатиб қўйганман-ёрдам қилинглар деб икки букилганча қалбаки меҳнат дафтарчасини кўрсатар ва ўзининг ишчанлиги ҳақида гапира кетарди. Сўзининг охирида қурилиш инженериман, деб қистириб қўярди. Шундай қилиб, М. Ерекешев совхозда ишлаб юраверди.

Милиция капитани Турғун Ҳакимов «қаҳрамон»ни қидира қидира Еттисой посёлкасидан унинг дарагини эшитади. Шу ерга келганда совхоз раҳбарларидан бири:

— Ие, бу кишини танийман. У яқинда бизлар билан Тошкентда қишлоқ хўжалик министрлигида бўлган йигилишда қатнашди. У совхозда қурилиш бошлиғи бўлиб ишлайди, — деди.

Оператив ходим уни шу ерда қўлга туширди. У ишлаганидан кейинги ташкилотларида ҳам ҳийла-найранглар ишлатганлиги ва бир неча минг сўм давлат мулкини ўзлаштирганлиги аниқланди.

У тергов вақтида қилмишига иқрор бўлди. М. Ерекешев эндн одил суд олдида яна тўртинчи марта тик туриб жавоб беради,тегишли жазосини олади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Нега бир қатор қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари М. Ерекешевни ўз коллективларига ҳеч қандай ҳужжатсиз ишга олишган? Бу ёғи биз учун қоронғу!

О. МИРПУЛАТОВ.
милиция майори.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

25 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Сиёсий ахборотчилар» деган эшиттириш (русча). 18.10 Совет композиторларининг ватанпарварлик қўшиқлари. 18.40 Спорт эшиттириши (русча). 19.20 Қозоқ куйлари. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт (ўзбекча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.20 Тожик куйлари. 22.40 «Шеърият кечаси», Монгол шоирларининг шеърлари (ўзбекча). 23.15 «Куйлар тинглаб дам оламиз» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 И. Акбаров. Скрипка ва оркестр учун биринчи концерт. 19.30 Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари. В. Карпов. «Бир сиқим тупроқ» (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Корейс куйлари. 21.00 «Қардош халқлар адабиёти» Осетин ёзувчиси Дебе Мансуровнинг «Хато» номли ҳикояси (ўзбекча) 21.40 Москва. «Ленининг барҳаёт сўзлари» циклидан суҳбат.

26 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 7.40 Ғ. Эргашев куйлайди. 7.55 «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча). 8.25 Халқ талантлари концерти. 9.30 М. Ашрафий. Тожик рақс сюитаси. 10.30 Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси хорининг концерти. 11.15 «Дўст МОНГОЛ ТУПРОҒИДА» деган суҳбат (ўзбекча). 11.30 Дўстлик қўшиқлари. 13.30 М. Гримоерг ва М. Ростропович чалади. 15.15 «Музикали Тошкент» радиожурнали. 16.10 «Нодир ёзувлар». Генрих Шлуснус куйлайди. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 Симфоник куйлар.

18.00 «Чоркесар мармари» деган эшиттириш (ўзбекча). 18.10 Монгол куйларидан концерт. 18.55 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театридан олиб эшиттирилади. 20.30 Ешлик ҳақида куйлаймиз (ўзбекча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 Дала меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.20 Рубоб тароналари. 22.40 В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча) 23.15 Мақом кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Закавказье халқларининг куйлари. 9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Ешлар ижоди. 19.30 Рус куйлари. 20.00 «Бузрук» мақомидан парчалар. 20.30 Д. Зокировнинг симфоник асарлари. 21.00 Рўзи Қодирий. «Бахтимни куй-пайман» туркумидаги шеърлар. 21.40 Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 Ўзбек операларидан саҳналар. 17.00 Ҳамза номли театрнинг «Жазоир — менинг Ватаним» спектаклининг монтажи.

Телевизор

25 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.45 Ленин кутубхонаси. 19.00 «Созимда севги васфи». Концерт. 19.40 Телевизион янгиликлар. 19.55 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Рангли телевидение программаси. 21.00 Совет Ешлари куни олдидан. «Сенинг орденларинг, Комсомол!». Телефильм 3—4-серияларининг премьераси. 22.00 «Вақт» информацион программаси. 22.30 П. И. Чайковский номидаги концерт залидан халқ Польшаси ташкил топган кунининг 25 йиллигига бағишланган Польша Халқ Республикаси маданияти кунларининг тантанали очилиши олиб кўрсатилади. Таъқиб вақтида янгиликлар. 01.00 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун. «Бумтар цирки». Кўғирчоқ фильм. 19.10 Ленинча меҳнат вахтасида.

Ўзбек тилида: 19.30 «СЕВГИ ТУМОРИ». Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида «Врач маслаҳати» ва «Реклама». Балетдан сўнг рус тилида «Турли тақдир» бадиий фильми.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 «Варшавадаги учрашувлар». Ҳужжатли фильм.

Рус тилида: 21.00 П. Меримэ. «Муқаддас совғалар файтуни». Телеспектакль.

26 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.55 ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида ўзбек тилида телевизион янгиликлар ва «Шеърият мухлисларига». 23.00 Ҳотинқизлар учун. «Ерқин ҳаёт» программаси (ўзбек тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Янгиликлар. 14.45 Ўқувчилар учун. «Биз шаҳарда дам оламиз». 15.15 «Сенга, ёшлик!» 15.45 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДЎСТЛИК ЭКРАНИ

Рус тилида: 18.00 «Дўст ва қувноқ оилада». Репортаж. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Изотоплар—халқ хўжалиги хизматида. 19.10 Археологик топилмалар. 19.40 Шеърият мухлислари учун. Ойбек «Навоий».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. 20.15 Адабий театр. «Ер юлдузлари». 21.00 Совет Ешлари куни олдидан. «Сенинг орденларинг, Комсомол!». Телефильм 5-сериясининг премьераси. 21.30 «Фан —ишлаб чиқаришга» Тележурнал. 22.00 Рангли телевидение программаси. 23.00 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Бутуниттифоқ телефильмлар 3-фестивали муҳофотига сазовор бўлган фильмлар. «Уй томон йўл» телевизион бадиий фильмининг 1-сериясн. 01.35 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 Кинофильм. 20.10 Леонид Коган чалади. 21.10 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Дўстлар ва йиллар». Бадиий фильмнинг 1-сериясн.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/VI да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VI да **Замон драмаси,** 26/VI да **Бўрон қушн.**

Кино

25 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Героин —«ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9.15 минутда).

Учрашув манзили —**Женева**— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Тонгдаги учрашувлар —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Таниш-билишларимиз — «МОСКВА» (кеч 9 да).

Дўппи кийган фариштa — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7.30 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Героин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Рошфорлик қизлар — «ХИВА».

26 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Героин — «ЧАЙКА», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3, 5.30 ва кеч 9.15 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 10, кундуз соат 1.20, 5 ва кеч 7 да).

Тонгдаги учрашувлар —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 3, 4.30 ва кеч 9.40 минутда), «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2.30, 4 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 да).

Учрашув манзили —**Женева**— «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Таниш-билишларимиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (эрталаб 11.40, кундуз 3 ва кеч 9 да).

Дўппи кийган фариштa — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11.30, кундуз соат 1.15 ва кеч 7.30 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Героин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Рошфорлик қизлар — «ХИВА».

ТАЛЛИН ШАҲРИДА 1969 ЙИЛ 30 ИЮНДА
1966 йилда чиқарилган
3% ДАВЛАТ ЗАЁМИНИНГ

24 ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

тиражнинг 24 разрядига 12301440 сўмлик 225600 та ютуқ ўйналади, шу жумладан: 5000 сўмлик 48 та, 2500 сўмлик 120 та, 1000 сўмлик 480 та, 500 сўмлик 2616 та, 100 сўмлик 18000 та, 40 сўмлик 204336 та ютуқлар бор.

3% заём облигациясини сотиб олинг.

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1969 ЙИЛГА ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ УТУНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА 28 ИЮНДА ДЕНОВ ШАҲРИДА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда 877500 сўмлик умумий суммага 526500 та пул ва буюм ютуқлар ўйналади, шу жумладан: 5 та Волга, 10 та Москвич 412, 5 та Запорожец 966, 35 та М-63 мотоциклар ва «Иж-Юпитер», телевизорлар, холодильниklар, радиолалар, магнитофонлар, гиламлар, гилам поёндозлари ва бошқа қимматли буюм ва пул ютуқлари бор.

Лотерея билетларини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРАРЖОЙ БОШҚАРМАСИГА

катта ревизор, ревизор, бухгалтер, кассир, инженерлар; техник-нормалаш, иссиқлик техникаси бўйича; меҳнат бўйича катта иқтисодчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 6 уй, 82 хона.

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчи касбига ўргатиш учун 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 16—25 ёшдаги (Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчилар)

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИНИ УТКАЗМОҚДА

Ўқувчиларга ойига 45—54 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ўқув муддати стаж ҳисобига ширади.

Ўқишни битирганлар янги очилаётган магазинларга ишга юборилади ва уларга Тошкент савдо техникумига кириш учун имтиёзлар берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанова кўчаси, 65 уй (2, 5, 8, 9, 10, 12 трамвайларнинг 9, 22, 31 автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»-НИНГ 6-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТЎЛДИРИШ ВА ТАЪМИНЛАШ БОШҚАРМАСИГА

тўлдириш ва амалга ошириш бўлимига инженерлар, экспедиторлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Университет кўчаси, 95 уй (7, 16 трамвайларнинг «Выставка» бекати).

РУДА ВА НЕФТЬ ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ГЕОЛОГИЯ ПАРТИЯЛАРИГА

гидрогеологлар, катта техник-гидрогеологиядан, парамаловчилар ва парамаловчи усталар, парамаловчи бригадага ишчилар, дизелчилар, кўчма электростанция бўйича электрчилар, пармалаш жиҳозлари бўйича слесарь

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чоштепа кўчаси, 215 уй (18 автобуснинг «Геологоразведка» бекати).

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари Министрлиги АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ҚУРИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БОШ БОШҚАРМАСИГА

эксплуатация бўлимига йўл инженерлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 2 уй.

ТОШКЕНТ ЕҒ-МОЙ КОМБИНАТИ

ювувчи синтетик порошон ишлаб чиқарувчи, ювувчи синтетик хом ашё заводига

инженер-технологлар, катта аппаратчилар, химия аппаратларида хизмат қилувчи аппаратчилар, катта усталар, полиграфия жиҳозлари бўйича V-VI разрядли наладчачи ва слесарлар, IV разрядли тойловчилар, печатниклар, IV-VI разрядли электрчилар, транспорт юнчилари, катта иқтисодчи, катта бухгалтер

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ЖарқЎрғон кўчаси, 47 уй (7, 12, 26 автобусларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати).

ТОШКЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТАКСОМОТОР ЮК ТАШИШ 2-БОШ КОРХОНАСИГА

бош бухгалтерлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар; ревизор, ҳисоб ва материал бўлимларига; секретарь-машинистка, кадрлар бўлимига инспектор, ҳаракат хизматига диспетчер, I ва II класс қандовчилар ҳамда 3 йил таксн иш стажига эга бўлган III класс шофёрлар, токарлар, мисгарлар, темирчилар, аккумуляторчилар, карбюраторчилар, слесарлар: асбобсозлар, жиҳозлар ремонти бўйича автослесарлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 54-разъезд, С. Раҳимов номли станция (18, 30, 83-автобуслар).

«СРЕДАЗКАЗАХОТРОМОБОРУДОВАНИЕ» МОНТАЖ ВА ПУСКО-НАЛАДКА ИШЛАРИ МАХСУС БОШҚАРМАСИГА

етакчи инженерлар, катта инженерлар, инженерлар, техниклар, мутахассисликлар бўйича; механиклар, иссиқлик техниклари, электрчилар, контрол-ўлчов асбоблари ва автоматикадан; слесарлар, созловчилар, металл-конструкциясини тайёрлаш бўйича монтажчилар; газ электр пайвандчилар, электр монтёрлар, токарлар, фрезерчилар, нормаловчилар, темирчилар, шлифовкачилар, тунукасозлар, термистчилар, прессчилар, қирқувчилар, кранчилар, бухгалтерлар, молиячи-иқтисодчи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-66, 9 январь кўчаси, 18 уй (12, 13, 38,48 автобуслар 1, 4, 15, 18 трамвайларнинг «Пахтакор» бекати).

Тошкент оқшоми 4
25 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горнома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари; Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2786.
Р. 11186
Индекс 64579